



OPPORTUNITIES FOR THE DEVELOPMENT OF THE ACTIVITIES OF ISLAMIC FINANCIAL ORGANIZATIONS IN UZBEKISTAN

Baxtiyor Ruzmetov¹

Dilfuza Sattarova Dilshodbekovna²

Urganch State University, JSCB "Hamkorbank" Urganch branch

KEYWORDS

Islamic finance, islamic banking, riba, partnership, mushoraka, mudaraba, Islamic corporation for thre Development of Private sector, questionnaire

ABSTRACT

The article describes the essence of Islamic finance and the possibilities of coordinating and improving the efficiency of Islamic financial organizations, especially Islamic banks, in the Republic of Uzbekistan.

2181-2675/© 2022 in XALQARO TADQIQOT LLC.

DOI: 10.5281/zenodo.7366651

This is an open access article under the Attribution 4.0 International(CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

¹ Doctor of Economic Sciences, Professor, Urganch State University, Urganch, Uzbekistan

² Independent Researcher, JSCB "Hamkorbank" Urganch branch, Urganch, Uzbekistan

ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМИЙ МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ

KALIT SO‘ZLAR:

ислом молияси, ислом банклари, рибо, шерикчилик, мушорака, мудораба, Хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорацияси, суровнома

ANNOTATSIYA

Маколада ислом молияси мазмун мохияти ва ислом молия ташкилотлари, хусусан ислом банклари фаолиятини Ўзбекистон Республикасида мувофиқлаштирилиши ва самарадорлигини ошириш имкониятлари ёритилган.

Кириш. Исломий молия тармоғи бугунги кунда жаҳонда жадал ривожланиб бораётган ва инновацион молиялаштириш механизмларини ўзида жамлаган соҳалардан бири ҳисобланади. Исломмолияси ривожланиш индикатори(IFDI) маълумотларига кура, ислом молияси саноатининг жами активлардаги улуши 2021 йил 4 триллион АКШ долларини еашкил этиб, 2020 йилга нисбатан 17%га усган.Ислом молия институтларининг жами соф даромади хам 2021 йилда уч баробар ошган булиб, усиш асосан Ислом банклари ҳисобига тугри келади.³Аҳолисининг асосий қисми мусулмонлардан иборат бўлган давлатлар учун ушбу тармоқни ривожлантириш, айниқса, долзарб ҳисобланади. Бунинг учун албатта миллий банк тизимига янгича ёндашув билан назар солмоқ лозим, яъни анъанавий молиялаштириш механизмлари билан бир қаторда шерикчиликка асосланган молиялаштириш механизмларини жорий этиш масаласи тадқиқ этилиши муҳим ва долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатида “Мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақти соати етиб келди. Бу борада Ислом тараккиёт банки ва бошка халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади”- дея таъкидлаган.Бу шуни англатадики, Ўзбекистонда хам ислом молияси соҳасини ривожлантириш учун кенг йул очилгани нафакат мамлакат иқтисодиётининг усиши ,балки аҳоли ва тадбиркорларнинг молиявий маблағларга булган талабини етарли ва исломий ахлоқ доирасида кондирилишини таъминлайди. Исломий молиялаштириш Ўзбекистон иқтисодиёти учун янги йўналиш бўлиб, унга бизнес тарафидан ҳам, аҳоли томонидан ҳам эҳтиёж мавжуд. Муқобил молиялаштириш маҳсулотларининг пайдо бўлиши аҳолининг молиявий хизматларидан фойдаланишга бўлган имкониятларинин кенгайтиришга ёрдам беради. Шундай экан, мусулмон давлатлардаги фаолияти исломий молиялаштиришга асосланган мавжуд банклар, инвестиция фондлари ва компаниялар маблағларини Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва хусусий секторни қўллаб-қувватлаш мақсадида жалб этиш айна муддаодир.

³ www.REFINITIV.com интернет сайти. Islamic Finance Development Report 2022 маълумотлари.

Адабиётлар таҳлили ва методлар.

Ислом молияси институтлари, ислом молияси инструментларидан фойдаланиш, ислом молияси инвестицион маҳсулотлари ва улардан фойдаланиш имкониятларига бағишланган илмий адабиётларни кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Чет эллик олимларнинг, хусусан Бадал Мукхаржи, Жон Преслей, Родней Вилсон, Вогел, Сундраражан ва бошқаларнинг ислом молиясига бағишланган тадқиқотларида ислом молияси ва ислом банклари фаолиятининг анъанавий молия ва банк тизимидан фаркли жихатларининг назарий асослари кўрсатиб берилган. Шунинг таъкидлаш керакки, Англиянинг Лафборо Университети олими Жон Преслей узининг ислом банкчилиги ва молия соҳасига қўшган алоҳида хиссаси учун 2002 йилда Ислом Тараққиёт Банкининг мукофотиغا сазавор бўлган. Нобел мукофоти лауреатлари Жорж Акерлоф ва Роберт С. Мертоннинг ишлари ислом иқтисодиётида рискларни бошқаришга қаратилган. Лойиҳаларни исломий молиялаштиришни ташкил этиш ҳамда уни самарали тарзда юритишнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик йирик иқтисодчи олимлар М. Тақи Усманий, Ҳ. Виссер, Ражеш К. Аггарвал, Тарик Ёусеф, Муҳаммад Жамал Ҳаидер, Гао Чангчун, Ледий Маҳара Гинтинг, Нафисаҳ Рухана, Маризаҳ Минҳат, Назам Дзолкарнаини, Мариатул Аида Жаффар, Росидаҳ Муса, Гаит, А., & Вортҳингтон, А., Жалалуддин, А., Викториа Стоика, Чристорхер Г. томонидан тадқиқот олиб борилган.

МДХ мамлакатлари олимлари В. Антропов, Т. Гафурова, С. Мокина, О. Трофимова, И. А. Зарипов, И. Беккин, Й. Бердаулет сингари олимлар илмий ишларида ислом қимматли қозғаларни ва ислом молиясига оид масалалар уз аксини топган. Ўзбекистонлик тадқиқотчилар Х. Хасанов, М. Султанов ва О. Давлатёровларнинг илмий ишларида ҳам мазкур соҳа бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Тадқиқот методологияси.

Илмий мақолада индукция ва дедукция, тизимли ва қиёсий таҳлил, график тасвирлаш, иқтисодий статистик каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар.

Исломий молия-кредит муассасалари товар-пул айланмаси билан бевосита боғлиқ ва воқеликдаги активлар билан таъминланган, мазмуни ва тузилишига кўра ўзига хос бир қатор воситаларни тақлиф этади. Исломий молия воситаларининг хусусияти қуйидаги тавсифларга асосланган: судхўрликнинг мавжуд эмаслиги, воқеликдаги қўшимча қийматнинг яратилиши, воқеликдаги активлар билан таъминланганлиги, ахлоқий-маънавий жиҳатлардан ташкил топганлиги, фойда ва зарарларни тақсимлаш, улушли иштирок, томонлар ҳар бирининг ахборотдан барабар боҳабарлиги. Исломий молия воситалари тўрт таркибий қисмлар асосида шаклланади:

1) Сотиш (байъ): мулкка ёки мулк предметига эгаллик ҳуқуқини ўтказишни кўриш учун;

- 2) Ижара: мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини ўтказишни кўришчун;
- 3) Ҳадя (ҳиба): мулк предмети бепул (ҳақ олмай) бериш;
- 4) Ссуда (ариях): мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини бепул (ҳақ олмай) бериш.

Аксарият исломий банклар томонидан ишлатиладиган ва халқаро стандартлар билан қатъий белгиланган асос бўлувчи воситалар қуйидагилар ҳисобланади:

1) Шерикчилик шартномаси (улушли молиялаштириш): – музораба, мушорака;
2) Савдо келишуви (қарз билан боғлиқ молиялаштириш). Мазкур воситалар ўртасидаги тафовут активларни сотиш муддатлари билан таърифланади:– муробаҳа, ижара, истисноъ, салам.

3) Қуйидагилар қўшимча воситалар ҳисобланади:– қарзи ҳасан (фоизсиз қарз), агентлик тўловлари(ваколат,жуъла),сукук(капитални мақсадли қимматбаҳо қоғозларга йўналтириш).

Фойда ва зарарларни тақсимлашга асосланган улушли молиявий воситаларга музораба ва мушорака киради. Музораба икки ёки ундан ортиқ тарафлар ўртасида бизнес ёки савдо юритишдаги шерикчиликни ўзида акс эттиради, бу ерда бир томон (рабб ал-мол) маблағларни беради, бошқа томон (музориб) эса инвесторнинг капиталини бошқариш учун ўз билим ва тажрибаси билан иштирок этади. Музораба одатда қисқа ва ўрта муддатли инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун қўлланади. Музораба шартномалари анъанавий молиявий тизимдаги ишонч асосида молиялаштириш билан ўхшаш ҳисобланади.


Глобал ислом молия саноати узиш тенденциясида давом этмокда ва айниқса, 2021 йилда ислом молияси активлари ҳажми қарийб 4 триллион АКШ долларини ташкил этгани ҳисобга олинса, 2026 йилга бориб бу курсаткич 5,9 триллион АКШ долларига етказиш прогноз килинмокда(1-расм).



1-расм. 2015-2021 йилларда ислом молияси активлар ҳажми узиш динамикаси,(миллиард АКШ доллари).

Ислом молиясининг яхлит тизим сифатида шаклланиши ислом банкларини ташкил этилиши билан боглик. Ислом банклари бугунги кунда исломий молия инструментларидан самарали фойдаланибгина колмасдан, балки замонавий финтек ва блокчаин технологияларидан ҳам фойдаланиш юзасидан изланишлар олиб бориб амалиётга тадбик этмокдалар. Бунда эса сукуклар-исломий кимматли когозлар эмиссия килишда узига хос модел сифатида фойдаланилди. Козогистон ва Узбекистон хукумати ҳам яшил сукук эмиссиясини амалга ошириш юзасидан коидалар ишлаб чиқаришга тайёргарлик курмокда. Бошка сохаларни ичига олган холда Миср давлати биринчи бор сукук бозорига 2020 йилда кирди ва Таивандда биринчи марта Катар Ислом банкининг Farmosa сукукини эмиссия килди.

Ислом молиявий активларининг сохалар кесимидаги улушида ислом банкн хизматлари энг йирик сектор хисобланади ва жами активларнинг 70% ини ташкил этади (2-расм). Иккинчи йирик йуналиш сукук-исломий кимматли когозлар эмиссияси хисобланиб 18%ни, сунгра ислом фондлари 6%, бошка ислом молиявий институтлари 4% ва такофул 2% хисобига тугри келади. Шунини таъкидлаб утиш керакки, бошка ислом молиявий институтлари уз ичига финтек компаниялар, инвестиция фирмалари, лизинг, брокерлик ва микромолиялаштириш компанияларини олиб, 169 миллиард АКШ долларини ташкил килиб умумий активларнинг 4%ини ташкил этган. Юкори даражадаги узиш сурьатлари Козогистон(44%), Миср(38%) ва Малдив ороллари(31%) да кайд килинган.



2-расм. Ислом молиявий активларининг сохалар кесимидаги улуши, фоизларда. Манба: Islamic Finance Development Report 2022 маълумотлари.


Ислом молия тизими нафакат ислом мамлакатлари учун балки ахолиси мусулмон булмаган мамлакатлар учун ҳам катта кизиқиш билан кутиб олиниб, муваффақият билан фаолият курсатмокдалар. Бу мамлакатлар каторига АКШ, Канада, Австрия ва Буюк Британияни келтириб утишимиз мумкин. Хатто,

Буюк Британияда 2021 йил март ойида халқнинг ислом молиясига талаб ва таклифига кура ҳукуматнинг иккинчи маротаба сукук эмиссияси амалга оширилди. 2022 йил июл ойида эса Австрияда илк тулаконли ислом банки фаолият курсатиш учун лицензияга эга бўлди.

Сунги йилларда МДХ малакатларида ислом молиясини ривожлантириш буйича катор ишлар амалга оширилди. Буларнинг самараси уларок Козогистон ва Тожикистон давлатлари глобал ислом молияси индустриясида 2021 йил якунлари буйича ривожланиши ва кенгайиши жихатидан топ учта мамлакатлар каторида ислом молияси ривожланиш ҳисоботларида қайд этиляпти. Шунингдек, Козогистон Республикаси « Козогистоннинг 2020-2025 йилларга мулжалланган Ислом молияси ривожлантириш режаси » дастурини ишлаб чиққан бўлиб, ушбу дастур 9 та асосий ташаббусни уз ичига олиб, асосий мақсади ислом молияси активларини жами молиявий активлардаги улушини 2025 йилгача 3-5%га етказишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси ислом молиясини ривожлантириш масалаларида Козогистон, Тожикистон ва Туркменистондан сезиларли орқада қолган. Асосий сабаб сифатида қонунчилик базасининг йўқлиги, аҳоли уртасида ислом молияси саводхонлигининг пастлиги, малакали мутахассисларнинг етишмаслигини келтириб утиш мумкин. Бирлашган Миллатлар Тараққиёт Дастури (БМТД) 2020 йилнинг биринчи ярмида “Ўзбекистонда барқарор тараққиётни молиялаштириш” мавзусидаги тадқиқот доирасида мамлакатда ислом молияси имкониятларини ўрганиши ва кенг қўламли сўровнома ўтказди. Ушбу сўровномада 7200 та иштирокчи, жумладан, 2235 та корхона ва тадбиркорлар, 4938 та аҳоли вакиллари ва мамлакатда фаолият олиб бораётган 30 та тижорат банкининг 27 таси қатнашди ва улар Ўзбекистонда ислом молияси тизимини жорий этилишига хайрихоҳлик билдирган⁴. Сўровномада мамлакатимизда ислом молиясини ривожланмаганлиги сабаби суралганда аҳолининг қарийб 60%и ва тадбиркорларнинг қарийб 50%и давлат мутасадди ташкилотларининг бу соҳага аҳамият бермаётганини сабаб қилиб курсатишган (3 расм). Бу шуни англатадики, давлатимиз ҳукумати томонидан ушбу соҳани ривожлантириш учун аввало қонунчилик базасини мустаҳкамлаши, банклар ва нобанк кредит ташкилотларига ислом молияси хизматларидан фойдалиб фаолият юритишига шарт шароитлар яратиш бериши устувор вазифа бўлиб қоляпти.

⁴ Landscaping analysis of Islamic finance instruments in Uzbekistan, analytical paper by J. Imamnazarov June 2020.



3-расм.Ўзбекистонда ислом молиясининг ривожланмаганлиги сабаблари. Манба:

Landscaping analysis of Islamic finance instruments in Uzbekistan, analytical paper by J.Imamnazarov June 2020.

Ўзбекистон Республикаси 2003 йилда Ислом тараққиёт банки ва 2004 йилда Хусусий тармокни ривожлантириш буйича ислом корпорациясига аъзо бўлиши билан ислом молиясини мамлакатимизда кенг ривожланишига сабаб бўлди. Ислом тараққиёт банки гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикасидаги лойиҳаларни молиялаштиришнинг жами портфел қиймати 2,4 млрд АКШ долларни ташкил этган⁵.

ИТБ билан “Обод қишлоқ” дастури доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларининг қишлоқ инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича умумий қиймати 200 миллион доллар бўлган кредит шартномаси имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистонда онкологик хизматларни ривожлантириш лойиҳасини қўллаб-қувватлаш учун 80 миллион доллар қарз шартномаси имзоланди. Трастбанк эса, Халқаро Ислом савдо-молия корпорацияси билан 15 млн долларлик ташқи савдони молиялаштириш бўйича кредит линияси очиш тўғрисида келишувга эришилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартдаги ПҚ-4224-сонли “Ислом тараққиёт банки гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари билан шерикликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш чора-

⁵ www.isdb.org/uzbekistan интернет сайти маълумотлари.

тадбирлари тўғрисида”ги қарори ИТБ билан ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим роль ўйнади.

Мазкур Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон ва ИТБ ўртасидаги узоқ муддатли шерикчиликнинг асосий йўналишлари қилиб қуйидагилар белгиланди:

- энергетика, йўл-транспорт, коммунал инфратузилмани модернизация қилиш, уй-жой қурилиши, банк-молия тизимини ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорлик секторини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимларини такомиллаштириш ҳамда республика тармоқлари ва ҳудудларини комплекс ривожлантиришнинг бошқа йўналишлари бўйича лойиҳаларни амалга оширишга ИТБ гуруҳининг, шу жумладан, Хусусий секторни ривожлантириш бўйича ислом корпорацияси (ХСРБИК), Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси (ХИСМК), Инвестициялар ва экспорт кредитларини суғурталаш корпорацияси (ИЭКСИК), Ислом тадқиқот ва таълим институти маблағларини жалб қилиш;

- банк секторида исломий молиялаштириш асосларини жорий этиш, давлат-хусусий шериклиги механизмларини, жумладан вақф-жамғармаларни ташкил этиш йўли билан қўллаб-қувватлаш дастурларини биргаликда ишлаб чиқиш ва Ўзбекистонда татбиқ қилиш;

- республика тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг экспорт имкониятларини мустаҳкамлаш учун ХСРБИК, ХИСМК ва ИЭКСИК молиявий ресурслари ва маҳсулотларини фаол жалб этиш;

- Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги салоҳиятини ошириш;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий Халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолиятини қўллаб-қувватлаш.

2019 йилда мамлакатда биринчи «Ўзаро» исломий суғурта компанияси ўз фаолиятини бошлади. Ўзбекистондагина эмас, балки МДХ давлатлари ичида биринчилардан бўлган электрон-Мурабаха (Мурабаха савдо битими асосидаги молиявий маҳсулот) платформаси ишлаб чиқилди. IsBF (Islamic Business and Finance) номли биринчи Ислом молия масалалари билан шуғулланувчи компания (асосий фаолияти ушбу соҳада консалтинг хизматлари кўрсатиш) ташкил этилди, ислом молияси соҳасида аҳоли саводхонлигини ошириш мақсадида “Ислом молияси” Telegram саҳифаси ва веб сайти ишга туширилди. Таиба Лизинг ва Ал-Мулк Капитал каби лизинг компаниялари эса кичик ва ўрта бизнес вакилларига Ислом тамойиллари асосидаги ижара маҳсулотлари тақдим қилишни давом эттирмоқда.

2022 йил 3-4 ноябрь кунлари кўҳна Самарқанд шаҳрида иккинчи марта ташкил этилаётган Ўзбекистон иқтисодий форуми бўлиб ўтди. Форум доирасида хусусий тармоқни молиялаштириш, давлат-хусусий шериклик, бюджетни қўллаб-қувватлаш, таълим, энергетика, шаҳарларни комплекс ривожлантириш, саноат соҳаларида умумий қиймати 3,8 миллиард долларлик 62 лойиҳа келишуви имзоланди.

Мазкур форумда Ислом молия муассасалари ҳам сезиларли даражада иштирок этишди ҳамда форум доирасида Ислом Тараққиёт Банки гуруҳи томонидан соҳага алоқадор бир қанча шартномалар имзоланди(4-расм).

| Лойиха ташаббускори ва молиялаштириш амалга ошириладиган ташкилот номи | Лойиха доирасида келишувга эришган банклар | Лойиха киймати, миллион АКШ доллари. |
|---|--|--------------------------------------|
| Халқаро савдони молиялаштириш Ислом Корпорацияси (ITFC) | АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» | 10 |
| Халқаро савдони молиялаштириш Ислом Корпорацияси (ITFC) | «Invest Finance Bank» АТБ (INFINBANK) | 10 |
| Хусусий тармоқни ривожлантириш бўйича Ислом Корпорацияси (ICD) | «Микрокредитбанк» АТБ | 30 |
| Хусусий тармоқни ривожлантириш бўйича Ислом Корпорацияси (ICD) ва Халқаро савдони молиялаштириш Ислом Корпорацияси (ITFC) | «Туронбанк» АТБ | 35 |
| Хусусий тармоқни ривожлантириш бўйича Ислом Корпорацияси (ICD) | «Алоқабанк» АТБ | 30 |
| Халқаро савдони молиялаштириш Ислом Корпорацияси (ITFC) | «Ипак Йўли» АИТБ | 15 |

4-расм. Ислом Тараққиёт Банки гуруҳи томонидан Ўзбекистон банклари билан тузилган шартномалар. Манба: www/islom_moliyasi.uz интернет сайти маълумотлари.

Шунингдек, «Трастбанк» ХАБ ва Хусусий тармоқни ривожлантириш бўйича Ислом Корпорацияси (ICD) ўртасида ҳамкорлик Меморандуми имзоланди. Унга кўра, томонлар Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес бўйича истиқболли лойиҳаларнинг

ислом тамойиллари асосида молиялаштирилишига доир ҳамкорлик давом эттирилади ҳамда «Трастбанк» ХАБ исломий-молиявий хизматлар кўрсатиш бўйича дастурий таъминотни ўрнатиш мақсадида Йорданиянинг «ICS FINANCIAL SYSTEM» Ltd компанияси билан битим имзолаган.

Умумий ҳисобда, Ислом Тараққиёт Банки гуруҳи таркибига кирувчи икки корпорация (ICD ва ITFC) Ўзбекистон ҳукумати билан 100 млн. АҚШ доллари қийматида, маҳаллий банклар билан эса 130 млн. АҚШ доллари миқдорига келишувга эришилган.

Ислом молиялаштириш тизимини шакллантириш бўйича ҳукукий базани яратиш ишлари жадаллаган бўлиб, ҳозирча фақат 2022 йил 4 апрелдаги «Нобанк кредит ташкилотлари ва ва микромолиялаш фаолияти тугрисидаги» янги таҳрир ва узгартиришлар киритилган 765 сонли Қонунга исломий молиялаштириш бўйича банд киритиб утилган. Ушбу қонунга кура, «Исломий молиялаштиришга оид хизматлар деганда исломий молиялаштиришни амалга ошириш стандартларини белгиловчи халқаро ташкилотларнинг қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган тартибда курсатиладиган молиявий хизматлар тушунилади».⁶ Албатта бу узгаришлар қонунчилик билан ислом молияси самарадорлигини оширишда ҳукукий статус бераётган бўлсада, бизнингча бу етарли даражада ечим бўла олмайди. Сабаби, Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш ташкилотлари активлари улуши жами молия секторининг 1%ини ҳам ташкил этмайди. Шунингдек, мудораба, мушорақа, истисна фаолияти билан шугулланиш имконини йуклиги ҳам ушбу қонун тулақонли ислом молияси ривожига хисса қўша олмайди.

Хулоса.

Ислом молияси хизматларини тадбир этиш Ўзбекистон Республикаси учун улкан иқтисодий ижтимоий потенциалга эга соҳа ҳисобланиб, бу борада хар жихатдан пухта уйланган дастур ва режа асосида ҳам ҳукумат томонидан, ҳам аҳоли ва тадбиркорлар томонидан қўллаб қувватланадиган ҳаракатлар мажмуини талаб қилади. Изланишларимиздан шу нарса маълум бўлдики, ислом молияси соҳаси хар жихатдан аҳоли ва тадбиркорлар учун бирдек зарур, шунинг билан бирга янги соҳадир.

Ислом молия тизими ривожланаётган малакатлар тажрибаси шуни курсатадики, аввало бу соҳанинг меъёрий қонунчилик базасини мустаҳкамлаш, бу билан паралел равишда тегишли инфратузилмани шакллантириш, соҳани чуқур биладиган кадрлар етиштириш ва қайта тайёрлаш, аҳоли ва тадбиркорларнинг исломий молияга доир молиявий саводхонлигини ошириш, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш, халқни ҳақиқий исломий тамойилларга риоя қилган ҳолда ҳалол фаолият олиб боришига қўмақлашиш заруратини курсатади.

⁶ www.lex.uz интернет сайти маълумотлари. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 20.04.2022 йилдаги ЎРҚ-765-сон

Мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни келтириб ўтиш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси янги таҳририда ислом молиявий хизматларининг шартномавий-ҳуқуқий базасини яратиш борасида тегиши ҳуқуқий нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ. Бу жараёнда хорижий тажрибага мурожат этмоқ даркор. Таъкидлаш мумкинки, қўшни Қирғизистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодексида ислом молиявий шартномаларига оид ҳуқуқий нормалар алоҳида боб (34-1-боб. Финансирование в соответствии с исламским принципами финансирования) шаклида баён этилган.

2. Банк ва молия соҳасидаги амалдаги қонунларга ислом молиявий хизматлари, тамойиллари ва субъектларига оид ҳуқуқий нормаларни киритиш. Хусусан, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги, “Банк ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги, “Лизинг тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамданобанк кредит ташкилотлари тўғрисида ишлаб чиқиладиган қонун лойиҳасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

3. Ислом молиявий хизматлари борасида олий таълим муассасаларида изланиш ва тадқиқот ишларини олиб бориш, хорижда мавжуд илмий манбаларни ўрганиш ва ўзбек тилига таржима қилишни йўлга қўйиш.

4. Молиявий ҳисоб ва ҳисобот тизимини яратиш ва кулланмалар ишлаб чиқиш;

5. Шариат бошқарувини мувофиқлаштириш бунда ААОИФИ шариат стандартларинини қабул қилиш ва урганиш;

6. Кичик ва урта бизнес соҳасига, кишлоқ хужалигига, шунингдек аҳоли ва тадбиркорлар талабидан келиб чиқиб ислом молияси хизматларини тақдим этиш;

7. Ислом микромолиясини яратиш ва тадбир қилиш;

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

1. Islamic Finance Development Report 2022 маълумотлари.

2. J.Imamnazarov, Landscaping analysis of Islamic finance instruments in Uzbekistan-analytical paper .June 2020-p 29-33.

4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 20.04.2022 йилдаги ЎРҚ-765-сон

5. Е.А.Байдаулет.Исломий молия асослари.-Тошкент: «Ўзбекистон»,2019- 34-40 бет.

6. Mufti Muhammad Taqi Usmani. An introduction to Islamic finance.- 2002.

6. Р.И.Беккин.Исламские финансовые институты и инструменты в мусульманских и немусульманских странах: особенности и перспективы развития. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. -Москва, 2009 -стр 3-5.

7. М.Х.Идрисов.Исламские инвестиционные продукты: особенности и перспективы развития Автореферат диссертации на соискание ученой степени

кандидата экономических наук.-Москва,2020.-стр 14-17.

8. М.Е.Калимуллина. Исломиё бизнеснинг муассасавий хусусиятлари:таҳриба ва муаммолар: икт.фан номзодини олиш учун диссертация-Москва,2001.-205 бет.

9. Sundrarajan V.,Ericco L. Islamic financial institutions and products in the Global financial system:Key issues in risk management and challenges ahead/ Sundrarajan V.,Ericco L. //IFM working paper.-2002.-№02/192,-November 1.71.

10. Mufti Muhammad Taqi Usmani. An introduction to Islamic finance.- 2002.

11. Р.Х.Зайнуддинов .Узбекистонда ислом молиясининг ривожланиши:тусиклар ва тавсиялар.Иктисодиёт ва инновацион технологиялар.2022 йил .Article DOI:10.55439/EIT/Vol10-iss2a4.

12. С.З.Аброров, Ж.М.Имамназаров. Ислом молияси:Узбекистон учун янги имкониятлар.Макола.Иктисодиёт ва Таълим.-2022.-147-153 бетлар.